

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил сентябрь ойининг 26 куни, жиноят ишлари бўйича Норин туман суди Норин тумани “Янги тонг” МФЙдаги очик сайёр суд мажлисида, судья Т.Мелибоев раислигида, судья ёрдамчиси Д.Назаров котиблигида, давлат айбловчиси Норин туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Махмудов, жабрланувчи У..... иштирокида, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] [REDACTED] га оид 1-1601-2401/184-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

[REDACTED], 1975 йил 25 августда Норин туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2011 йил 11 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

2. Жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2013 йил 27 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан 3 ой қamoқ жазосига судланган, судланганлиги ҳолати тугалланган, мавсумий ишлар билан шуғулланган, Наманган вилояти, Норин тумани, “Янги тонг” МФЙ, Ўзбекистон 1-берк кўча, 2-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда;

[REDACTED]
1973 йил 24 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, мавсумий ишлар билан шуғулланган, Наманган вилояти, Норин тумани, “Навоий” МФЙ, Навоий кўчаси, 38-уйда доимий рўйхатда туриб, Норин тумани, “Бўстон” МФЙ, Увайсий кўчаси, рақамсиз уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш



тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган,
айблов хулосаси нухасини олган,
Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандида
назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини
тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд
бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Бинобарин, суд баён этилганлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси
ЖПКнинг 454-457, 463-465, 466-468, 471-473-моддаларига амал қилиб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

1. [REDACTED]

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси
2-қисмининг “и” банди билан айбдор деб топилсин.

Судланувчи Р.....га Ўзбекистон Республикаси ЖК
105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан ишлаш вақтидан, шунингдек
иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган
вақтни ҳисобга олган ҳолда сутканинг соат 21.00 дан соат 07.00 га қадар
бўлган вақтда уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай
тақиқлашдан иборат 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси
тайинлансин.

Судланувчи Р..... озодликни чеклаш жазосини Наманган
вилояти, Норин тумани, “Янги тонг” МФЙ, Ўзбекистон 1-берк кўча,
2-уйда жойлашган яшаш хонадонида ўташи белгилансин ва жазони
ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар ўрнатилсин:

-Норин туман ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик,
Наманган вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-спиртли ичимлик сотиладиган ресторан, бар ва кафеларга
бормаслик;

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Судланувчи Р.....га жазо ўташи давомида ижтимоий фойдали
меҳнат билан шуғулланиш мажбурияти юклансин.

Озодликни чеклаш жазосининг ижросини таъминлаш Норин
туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати судланувчи Р.....
Норин туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Р.....га тайинланган жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган,
шунингдек суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни
бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай



қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Судланувчи Р.....га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

2. Судланувчи

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан айбдор деб топилсин.

Судланувчи М.....га Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтни ҳисобга олган ҳолда сутканинг соат 21.00 дан соат 07.00 га қадар бўлган вақтда уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан иборат 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи М..... озодликни чеклаш жазосини Наманган вилояти, Норин тумани, “Бўстон” МФЙ, Увайсий кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган яшаш хонадонида ўташи белгилансин ва жазони ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар ўрнатилсин:

-Норин туман ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Наманган вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-спиртли ичимлик сотиладиган ресторан, бар ва кафеларга бормаслик;

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Судланувчи М.....га жазо ўташи давомида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш мажбурияти юклансин.

Озодликни чеклаш жазосининг ижросини таъминлаш Норин туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати судланувчи М..... Норин туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

М.....га тайинланган жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Судланувчи М.....га нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи У.....нинг судланувчилар Р..... ва М.....га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида судга тақдим этган аризаси инобатга олинсин.

Ашёвий далил Норин тумани, “Янги тонг” МФЙ ҳудудидаги пахта қабул қилиш маскани орқа томонида 2024 йил 12 июль куни содир



бўлган жанжал ҳолати видеотасвирлари мавжуд бир дона DVD диск жиноят ишида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчилар ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида апелляция тартибида, агар иш апелляция инстанциясида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида мазкур суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

Т.Мелибоев

